

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019 Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕДРИЦКИЙ ИВАН МИХАЙЛОВИЧ

**ФЕРРОРЕЗОНАНС ТАБИАТЛИ ПАРАМЕТРИК ИККИЛАМЧИ
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ МАНБАЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА МОДЕЛЛАШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник
мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора технических наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Бедрицкий Иван Михайлович

Феррорезонанс табиатли параметрик иккиламчи электр таъминоти
манбалари: таҳлил ва, моделлаш 3

Бедрицкий Иван Михайлович

Параметрические источники вторичного электропитания
феррорезонансной природы: анализ и моделирование 29

Bedritskiy Ivan Mixaylovich

Parametric sources of secondary power supply of ferro-resonant nature:
analysis and modeling 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019 Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕДРИЦКИЙ ИВАН МИХАЙЛОВИЧ

**ФЕРРОРЕЗОНАНС ТАБИАТЛИ ПАРАМЕТРИК ИККИЛАМЧИ
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ МАНБАЛАРИ: ТАҲЛИЛ ВА МОДЕЛЛАШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник
мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1. DSc /T419 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Амиров Султон Файзуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибодуллаев Мухтар Ибодуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Колесников Игорь Константинович
техника фанлари доктори, профессор

Плахтиев Анатолий Михайлович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (330 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «12» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «12» 12 даги № 7 рақамли реестр баённомаси).



К.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор, академик

О.Х. Ишназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Т.Ш. Ғойибов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда алоқа воситаларида, гальваник ванналарнинг таъминот қурилмалари, зарядлаш-тўғрилаш мосламаларида, ўлчаш, ҳисоблаш ва импульсли техник воситаларда қўлланадиган электрон қурилмаларни стабилизаторлардан фойдаланган ҳолда электр энергияси билан таъминлаш ишончилигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда “...ўзгармас мутадил кучланиш ва тоқлар тизимини, яъни юклама кучланиши ва тоқини унинг катталигига боғлиқсизлигини таъминловчи электр энергиясининг тақсимлаш ва таъминлаш тизимларини кенг қўллаш ҳамда электротехника ва муҳандислик электрофизикасининг турли соҳаларига жорий этиш имкониятлари мавжуд”¹. Бу борада, жумладан, иккиламчи манбаларни яратиш, уларнинг мутадиллаш сифатини ва ишлаш ишончилигини ошириш ҳамда стабилизаторлар схемаларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда параметрик тизимларнинг хусусиятлари, параметрик қурилмаларни экстремал ва оғир шароитларда, индуктив-сиғим энергия тўпловчиларни қайта тикланувчи энергия манбалари билан биргаликда қўллаш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, параметрик таъминот манбаларида янги материаллардан фойдаланиш, индуктив-сиғим ўзгартиргичлардаги янги схема-техник ечимларни қўллаш, параметрик турдаги манбаларнинг ривожланиш, улар ночизик электр занжирларининг тузилишларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга, параметрик тизимларда мутадиллаш сифатини ошириш, кўп контурли стабилизаторларнинг оғирлик-габарит кўрсаткичларини камайтириш долзарб масалалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини ривожлантириш, соҳанинг технологик даражасини янгилаш, жумладан, истеъмолчиларни узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, магнит боғланишларсиз ва ферромагнит контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли стабилизаторлар схемаларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс ҳажмини қисқартириш, энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш.»² каби вазифалари белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда ферромагнит, феррорезонанс ва автопараметрик занжирлар асосида ишлайдиган қурилмалар, электр занжирларининг тузилишларини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

¹ <https://lemzspb.ru/> Индуктивно-емкостные источники тока. //Саенко И.В., Опре В.М., Новик А.А Дозоров С.А. и др.– 2021 г.– с. 1-4.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сонли «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ночизиқ электр занжирларнинг янги тузилишларини фундаментал тадқиқ этиш ва улар асосида кенг функционал имкониятларга ҳамда яхшиланган техник-иқтисодий тавсифларга эга бўлган иккиламчи электротабминот манбаларни яратиш бўйича тадқиқот ишлари дунёнинг илғор илмий марказларида ва таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Institute of Electrical and Electronics Engineers (АҚШ), Iowa State University (АҚШ), Boulevard de l'Universite (Франция), Universite de Biskra (Жазоир), Energy Research Institute (Китай), Токио технологик институти (Япония), В.И. Ульянов номидаги Санкт-Петербург давлат электротехника университети (Россия), Илм-фан миллий академияси Электродинамика институти ва Миллий техника университети (Украина), Уфа давлат авиация техника университети ва Уфа давлат нефть техника университети (Россия) ҳамда бошқа илмий муассасалар салмоқли ҳисса қўшдилар³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Параметрик тизимларнинг долзарб фундаментал масаларини, параметрик таъминлаш манбаларида янги материалларни қўллаш, параметрик қурилмалардан амалда фойдаланиш масалалари, магнитланиш назарияси, шунингдек уларга турдош бўлган муаммоларни ҳал этишда D.C. Jiles, D.L. Atherton, M. Stosur, J. H. Chan, A.Vladimirescu, X.C. Gao, P. Liebmman, J. Valainis, Калантаров П.Л., Губанов В.В., Богданов А.И., В.М.Опре, С.А. Дозоров, Л.Э.Рогинская, В.А. Кулинич, И.В.Волков, А.Н.Милях, Ю.И.Тугай, Б.Н.Кубышин, И.В. Пентегов, С.И. Закревский ва бошқалар муносиб ҳисса қўшган.

Ўзбекистонда параметрик стабилизаторлар, шу жумладан феррорезонанс қурилмалар назариясига Г.Р. Рахимов, А.С. Каримов, Т.М. Кадыров, М.И. Ибадуллаев, А.М. Бурханходжаев, В.К. Львов, М.М. Файзиев,

³ <https://etu.ru>, <https://ied.org.ua>, <https://uiowa.edu>, <https://kpi.ua/ru>, <https://rusoil.net>, <https://ugatu.su/>, <https://www.engineering.uga.edu/current/student-organizations/IEEE>, <https://www.lequotidien.com/actualites/boulevard->, <https://univ-biskra.dz/index.php/fr/>

Б.А. Абдуллаев, А.Х. Алимов, Ш.Э. Бегматов, А.Н. Расулов ва бошқа олимлар ўз ҳиссаларини кўшган.

Ушбу тадқиқотлар асосида параметрик таъминот манбалари назарияси ва уларни ҳисоблаш асослари ишлаб чиқилди. Сезиларли муваффақиятларга қарамай ушбу ишларда кўп контурли кучланиш стабилизаторларини ҳамда контурлар ўртасидаги магнит алоқаларга эга кўп контурли кучланиш стабилизаторларини қуриш назарияси кўриб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети тадқиқот режасининг 3-сон «Темир йўл транспорти учун электромагнит ва электр ўлчаш қурилмаларини такомиллаштириш» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган (2016-2020).

Тадқиқот мақсади параметрик стабилизаторларни қўллаган ҳолда кучланишни мутадиллаш сифатини ошириш каби илмий муаммони ҳал этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

базавий бўғинлар конфигурациялари асосида магнит боғланишларсиз ва ферромагнит элементлар ўртасида магнит боғланишларга эга параметрик таъминот манбаларининг умумлаштирилган таснифини яратиш;

турли хил аппроксимация функцияларидан фойдаланган ҳолда пўлат ўзакнинг магнитланиш эгри чизиқлари аппроксимацияси, ўзакдаги ночизиқ исрофлар, сочилган индуктивлик, чулғамлар сиғими ва барча гармоник ташкил этувчиларни ҳисобга олмасликдан вужудга келадиган хатоликларни баҳолаш;

контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлмаган ва магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли параметрик иккиламчи электр таъминоти манбаларининг умумлашган математик моделларини яратиш;

магнит боғланишларсиз ва ферромагнит контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли схемалардан фойдаланиш асосида стабилизаторларнинг янги схемаларини ишлаб чиқиш;

стабилизатор чиқиш кучланишини ўзгартириш учун компенсацияловчи қурилмани ишлаб чиқиш;

кўп контурли стабилизаторларнинг оғирлик-габарит кўрсаткичларини камайтириш йўллари ва кўп контурли стабилизаторларнинг муҳандислик ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида магнит боғланишларсиз ва ферромагнит контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли кучланиш стабилизаторлари олинган.

Тадқиқот предметини кўп контурли кучланиш стабилизаторларининг контурлари орасидаги амплитуда ва фаза муносабатлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гармоник анализ, дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли усуллари (Рунге-Куттанинг 4-тартибли усули), турғунликни тадқиқ этишда кичик параметрлар усули ва минималлаш масалаларини ечишда аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

базавий бўғинлар конфигурациялари ва контурлар орасида магнит боғланишларни ташкил этиш усуллари асосида параметрик таъминот манбаларининг умумлашган таснифи яратилган;

турли аппроксимация функцияларидан фойдаланишда, ўзакдаги исрофлар, сочилган индуктивлик, чулғамлар сифими ва барча гармоник ташкил этувчиларни тўлиқ ҳисобга олинмаган ҳолатларда стабилизаторлар ҳисоблари аниқлигини объектив баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

магнит боғланишларсиз ва ферромагнит контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли параметрик стабилизаторларнинг умумлашган математик моделлари ишлаб чиқилган;

магнит боғланишларсиз ва ферромагнит контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли схемалардан фойдаланиш асосида стабилизаторларнинг схемалари синтез қилинган;

стабилизаторнинг чиқиш кучланишини ўзгартириш учун сезгирлиги, аниқлиги ва чиқиш характеристикасининг чизиқлилиги юқори бўлган компенсацияловчи қурилманинг конструкцияси такомиллаштирилган;

кўп контурли стабилизаторнинг конструкциясини оғирлик ва габарит кўрсаткичларини камайтириш асосида ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

магнит боғланишларсиз ва контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли стабилизаторларда феррорезонанс контурлар параметрлари орасида уларнинг ишчи тавсифларини ҳисоблаб чиқишга имкон берадиган янги ва барқарор қонуниятлар ва боғланишлар аниқланган;

параметрик стабилизаторлардаги ишчи жараёнларни оптималлаш имконини берадиган қурилмаларнинг режимлари ва оғирлик-габарит кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари тақдим этилган;

параметрик стабилизаторлар схема ва режим параметрлари ўзгаришининг кенг диапазонида хусусиятларини ўрганиш имконини берадиган уларнинг компьютер моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий натижалар ва хулосалар ишончлилиги назарий жиҳатдан асосланган математик моделларнинг қўлланилиши, натижаларни моделлаш ҳамда уларни замонавий компьютер дастурлари ёрдамида текширилганлиги, натижаларнинг экспериментал қурилмада синовдан ўтказилганлиги, моделлаш натижаларини экспериментал маълумотлар билан ўзаро сифат ва миқдорий таққосланганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп контурли магнит боғланишларсиз ва контурлар орасида магнит боғланишларга эга бўлган мутадилловчи қурилмаларнинг математик моделларини ҳамда параметрик русумдаги стабилизаторлар учун оғирлик-габарит кўрсаткичларини минималлаш усуллари ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти кучланиш параметрик стабилизатор қурилмаси ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Олинган

натижаларнинг амалий аҳамияти юқори сифатдаги мутадиллаш хусусияти, юқори ишончилига эга стабилизатор қурилмасини қўллаш орқали энергия истеъмолини қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Феррорезонанс табиатли параметрик иккиламчи электр таъминоти манбаларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

кучланиш параметрик стабилизатор “Чуқурсой” тортувчи нимстанциясида релели ҳимоя ва автоматика қурилмаларини таъминловчи манба сифатида қўлланилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 13 сентябрдаги НГ/01/3120-21-сон маълумотномаси). Натижада тортувчи нимстанция релели ҳимоя ва автоматика қурилмаларини мутадил ва сифатли электр энергияси билан таъминлашга эришилган ҳамда 149 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилган;

кўп контурли стабилизаторларни муҳандислик ҳисоблаш усули “Чуқурсой” тортувчи нимстанциясида жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2021 йил 13 сентябрдаги НГ/01/3120-21-сон маълумотномаси). Натижада ўзақдаги исрофлар, сочилган индуктивлик ва чулғамлар сиғимини аниқлашда 5-7% аниқлигини ошириш имконияти яратилган;

компенсацияловчи қурилмага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (№IAP 06464.) олинган. Натижада мутадиλλанган кучланишни юқори сезгирлик ва аниқлик даражасини ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 15 та халқаро ва 13 та республика илмий-техник анжуманларда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш 1 та монография, 25 та мақола даврий илмий журналларда, шулардан 13 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда ҳамда 5 та мақола Scopus маълумотлар базасига киритилган журналларда чоп этилган, ихтиро учун 2 та авторлик гувоҳномаси ва 1та Ўзбекистон Республикасининг патенти ҳамда 2 та ихтирога ижобий қарор олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган; тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган; назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; диссертация

тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳамда синов натижалари кўрсатилган; чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Ферромагнит, феррорезонанс ва автопараметрик занжирлар базасида иккиламчи электр таъминоти манбалари» номли биринчи бобда параметрик стабилизаторлар ишлашининг умумий тамойиллари ва параметрик стабилизация табиати кўриб чиқилган. Параметрик стабилизатор камида иккита кетма-кет уланган элементдан, яъни динамик қаршилиги қиймати нолга яқинлашаётган ночизик бўғин (НБ) ва катта қаршиликка эга балласт элементи (БЭ)дан ташкил топиши кераклиги аниқланган. Бу каби стабилизаторнинг алмашлаш схемаси 1- расмда кўрсатилган, у ўзгарувчан синусоидал электр юритувчи куч (ЭЮК) E манбаидан таъминланади, фаол юклармаси R_H қаршиликка эга бўлиб, ДН дифференциал магнит ўтказувчанлик тўйиниш режимида нолга тенг бўлади. Юклармадаги ўртача кучланиш учун қуйидаги ифода олинди:

$$U_H = U_{ДН} + (E - U_{ДН} \frac{R_H + Z_{БЭ}}{R_H}) (\frac{R_{H3} R_H}{R_{H3} R_H + Z_{БЭ} R_H + Z_{БЭ} R_{H3}}), \quad (1)$$

бу ерда $U_{ДН} = 2\pi f \omega s B_s$ – тўйиниш дросселидаги кучланиш; f , ω , s , B_s – мос ҳолда частота, ўрамлар сони, магнит ўтказгич кесими ва ундаги тўйиниш индукцияси.


Олинган ифодадан кўриниб турганидек, ДН чулғамининг актив қаршилиги $R_{H3} = 0$ га тенг бўлганда дросселдаги кучланиш унинг тўйиниш кучланишига тенг ва манба кучланишининг тебранишларига боғлиқ эмас.

Кириш ЭЮКнинг ўзгариши ΔE ни юклармадаги кучланиш ўзгариши ΔU_H га бўлган нисбатига тенг бўлган кучланишни мутадиллаш (стабилизация)

коэффициенти $K = \frac{\Delta E}{\Delta U_H}$ нисбат билан аниқланиб, $K \approx \frac{U_{ДН}}{E} \frac{Z_{БЭ}}{Z_{H3}} + 1$

кўринишида ўзгартирилиши мумкин. Сўнгги ифодадан кўриниб турганидек, мутадиллаш коэффициенти $\frac{Z_{БЭ}}{Z_{H3}}$ нисбатга боғлиқ, уни ошириш учун эса $Z_{БЭ}$


ни ошириш ва Z_{H3} ни камайтириш лозим бўлади.



1- расм. Энг содда параметрик стабилизаторнинг алмашлаш схемаси

Феррорезонанс тебраниш контури(ФКК)нинг хоссалари унинг топологик тузилишига боғлиқ ва унинг вольт-ампер характеристикаси(ВАХ) тури билан аниқланади. Параметрик стабилизаторларнинг таснифи таклиф

этилган бўлиб (2- расм), унинг асоси сифатида муайян ВАХ тури олинган, улар ВАХ кўриб чиқиладиган қурилмалар кўринишига қараб тўртта бўлиши мумкин: 1) бошқарилмайдиган ва бошқариладиган ферромагнит элементининг табиий ВАХ; 2) кетма-кет ФККнинг N-симон ВАХ; 3) параллель ФККнинг S-симон ВАХ; 4) биринчи учта турга оид занжирларнинг ВАХлари уйғунлигидан олинган сиртмоқсимон ВАХ. Мазкур тасниф қўлланадиган магнит ўтказгичлар ва магнит майдонлар турини (параллель, кесишган ва ортогонал магнит майдонлар), бошқарувчанлик ва ББ (базавий бўғинлар) тавсифини бошқариш усулларини (параметрик ёки компенсацион), шунингдек бошқарувчи тескари алоқаларни ташкил этиш усулларини (электрромагнит, магнит, электр) ҳисобга олади.




2- расм. Параметрик барқарорлаштиришга эга ИЭТМ таснифи

Амалга оширилган тадқиқотлар параметрик стабилизаторларни такомиллаштириш усулларини ҳамда схема-техник, режимли ва оғирлик-габарит оптималлаш йўллари белгилаш имконини берди.

«Параметрик ва феррорезонанс занжирларни таҳлил қилишда хатоликларни баҳолаш» номли иккинчи бобда параметрик занжирларни таҳлил қилишда аппроксимация функциясини танлаш, ферромагнит компонентлар сочилиш индуктивлигининг ҳисобга олинмаганлиги, чулғамлар хусусий сифимининг ҳисобга олинмаганлиги, ферромагнит компонентлар ғалтаклари фаол ўтказувчанлигининг нозичлиги ва барча гармоник таркибий ташкил этувчиларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги билан вужудга келадиган хатоликларни баҳолаш услуби ишлаб чиқилган. Э360 (3424) пўлат учун аппроксимация функциялари ва экспериментал йўл билан олинган асосий магнитланиш эгри чизиғи асосида қурилган $B=f(H)$ боғлиқликлар графиклари таҳлили шуни кўрсатдики (3- расм), барча функциялар аниқлик мезони бўйича совуқ ҳолатда ишлов берилган

электротехник пўлатнинг танланган русумини аппроксимациялаш учун мос келади. Бироқ тангенс ва гиперболик синус функциялари билан ишлаш кейинги ўзгартиришлар учун ноқулай, боиси ўзгарувчан ток занжирларида ишлаётган ферромагнит курилмалар учун мавҳум аргументли Бессель функциялари амплитудаларини ҳисоблаб чиқиш зарурати юзага келади.



Т-тажриба; а- $B=1,84*\tanh(0,37*H)$; б- $H=4,538*10^{-3} \operatorname{sh}(4,76*B)$; в- $H=0,64*B-0,365*B^3+1,247*B^5-0,894*B^7+0,219*B^9$; г $H=0,1146*B^9$

3- расм. Аппроксимация функциялари

Аппроксимация натижалари 4- расмда келтирилган, аппроксимация эгри чизиклари таҳлили 9 ва 11 даражадаги тўлиқсиз полиномлар кўзланган мақсад учун энг мақбул эканини кўрсатди.

Э360 (3424) совуқ ҳолда ишлов берилган пўлат учун 3 дан 11 гача бўлган даражадаги тўлиқсиз полиномларга оид аппроксимациялаш хатоликларининг кучланганлик қийматларига боғлиқлик эгри чизиклари $\delta(\%)=f(H)$ 5- расмда келтирилган. Э360 (3424) совуқ ҳолда ишлов берилган пўлат учун $\delta=f(H),\%$ боғлиқлик эгри чизиклари таҳлиliga кўра, 9 ва 11 даражали полиномлар билан аппроксимациялашда хатоликлар 12% дан ошмаслиги аниқланди, бу эса ферромагнит элементларга эга ғалтакларни ҳисоблашда рухсат берилган қиймат сифатида қабул қилиниши мумкин.

Ферромагнит элемент индуктивлиги индукция амплитудасининг тегишли қийматида ва $H=\kappa B^9$ кўринишдаги магнитланиш эгри чизиғи аппроксимациясидан фойдаланилганда тўлиқ ток қонуни асосида ҳосил қилинган


$L = \frac{B_m S w^2}{\kappa B_m^9 l}$ формула бўйича ҳисобланади, сочилган индуктивлик

эса $L_s = \frac{\mu_0 w^2}{h} F_L$ ифода бўйича топилади, бу ерда F_L – чулғамнинг геометрик

параметрларини ҳисобга оладиган коэффициент.


Бундан ташқари, занжирларни таҳлил қилишда зарур бўлган гиперболик функцияларга эга ифодаларни тескари боғлиқликлар (B дан H ёки H дан B) ни олишда ҳам ноқулайлар юзага келади. Таҳлил натижалари соддалик ва аниқлик мезони бўйича тўлиқсиз полином билан аппроксимациялаш энг мақбул ечим эканини кўрсатди.

Турдаги ток кўрсаткичли даражага эга умумлашган полином билан аппроксимациялаш батафсил ўрганиб чиқилди.



T-тажриба;
 3- $H=2,68*B^3$; 5- $H=0,995*B^5$;
 7- $H=0,345*B^7$; 9- $H=0,1146*B^9$;
 11- $H=0,037*B^{11}$; 13- $H=0,0123*B^{13}$

**4-расм. Полином билан
 аппроксимациялаш**



3- $H=2,68B^3$
 5- $H=0,995B^5$
 7- $H=0,345B^7$
 9- $H=0,1146B^9$
 11- $H=0,0371B^{11}$

**5-расм. Аппроксимация
 хатоликлари**

Тўйиниш индукцияси 1,8 Тл га тенг бўлган ферромагнит элементнинг физик модели учун қуйидаги ҳисобий қийматлар олинди: индуктивликнинг ўртача қиймати $L=0,246$ Гн, сочилган индуктивлик $L_S=4,6*10^{-3}$ Гн. L_S ни ҳисобга олмасликдан юзага келадиган хатолик катталиги

$$\delta = \frac{L_S}{L} 100\% = \frac{4,6 * 10^{-3}}{0,246} 100 = 1,88\%$$

ни ташкил этади. Ушбу хатолик ҳисоблашларни


соддалаштириш учун қабул қилинадиган бошқа чекловлар асосида ҳисобланган хатоликлардан анча кичик қийматга эга.

Тажрибалар натижасида ғалтакнинг максимал сиғими 150 пкФ ни ташкил этиши аниқланди. Агар кетма-кет тебраниш контурига эга стабилизатор конденсаторининг сиғими 7-10 мкФ ни, параллел тебраниш контурига эга стабилизатор конденсаторининг сиғими эса 15-25 мкФ ни ташкил этишини ҳисобга олсак, ғалтакнинг хусусий сиғими жуда кичик эканлиги ҳамда уни ҳисобга олиш феррорезонанс қурилмалар ҳисоблари натижаларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги яққол намоён бўлади.


Магнит ўтказгичдаги исрофларнинг асосий улушини ташкил этадиган гистерезис, уярма тоқлар ва қайта магнитланишдаги исрофларнинг солиштирма катталиги $P_m = p_o \left(\frac{f}{f^*}\right)^\alpha \left(\frac{B_m}{B_m^*}\right)^\beta$ ифодадан аниқланиши мумкин, бу

ерда p_o – магнит майдони индукцияси $B_m^* = 1$ Тл базавий амплитудасида ва базавий $f^* = 1000$ Гц частотасида магнит ўтказгичдаги ўзак материали исрофларининг солиштирма катталиги; f , B_m – НЭ иши таъминладиган магнит индукциясининг частотаси ва амплитудаси; α , β – магнит материалнинг турига боғлиқ бўлган коэффицентлар. Феррорезонанс кучланиш стабилизаторлари кўрилатганда исрофлар оддий чизиқли қаршилик кўринишида моделлаштирилиши мумкинлиги кўрсатилган. 6-расмда Э360 электротехник пўлат (1- эгри чизиқ) ва аппроксимация тўғри чизиғи (1'- тўғри чизиғи) учун боғлиқликлар графиги $P_m=f(B_m)$ келтирилган.

График $P_M = KB_m + P$ турдаги чизикли боғлиқлик билан аппроксимацияланган бўлиб, бу ерда $P - B_m = 0$ бўлгандаги солиштирма исрофлар қиймати. Аппроксимациянинг нисбий хатолик боғлиқлик $\delta = f(B_m)$ графика шуни кўрсатдики (7- расм), аппроксимация хатолиги 2% дан камроқни ташкил этади, шундан келиб чиқиб, $P_M = k B_m + P$ кўринишдаги чизикли аппроксимациядан фойдаланишга йўл қўйилиши мумкин.



6-расм. Чизикли қаршилик билан йўқотишларни моделлаштириш




7-расм. Чизикли қаршилик билан аппроксимация хатолиги

Менли-Роу теоремасига мувофиқ энг сезиларни бўлган 3- гармоникани ҳисобга олмасликдан вужудга келадиган хатоликларни баҳолаш натижаларига кўра, энг номақбул ҳолат учун 3- гармониканинг улуши 33% дан ошмаслиги аниқланди. Масалан, агар мутадиллаштирилган кучланиш U нинг таъсир этувчи қиймати биринчи U_1 ва учинчи U_3 гармоникалардан ташкил топган бўлса, амалдаги мутадиллаштирилган кучланиш қуйидагига тенг бўлади:

$$U = \sqrt{U_1^2 + U_3^2} = \sqrt{U_1^2 + (0,33U_1)^2} = 1,053U_1. \quad (2)$$

Шундай қилиб, ҳисоблаш хатолиги 5,3% ни ташкил этди, бу эса аксарият математик моделлар хатоликларига яқин қиймат ҳисобланади.


Юқорида келтирилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда ферромагнит ва феррорезонанс табиатли мутадиллаш занжирларининг ББ ВАХлари ҳисоблаб чиқилди (8- расм), улар тажриба натижалари билан таққослаганда, 10% дан ортиқ бўлмаган ҳисоб хатоликларини намоён этди, бу эса уларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.



8-расм. Базавий бўғинлар схемалари

«Магнит боғланишларга эга бўлмаган параметрик таъминот манбаларининг кўп контурли умумлашган ферромагнит занжирлари» номли учинчи бобда магнит боғланишларга эга бўлмаган бир фазали умумлашган ферромагнит занжирнинг таҳлили келтирилган; занжирлар

конфигурацияси ўзгарганда, олинган ифодаларни ўзгартириш усуллари кўриб чиқилган, магнит боғланишларга эга бўлмаган ферромагнит компонентлардан фойдаланиш асосида параметрик стабилизаторларни қўллаш мисоллари келтирилган, шунингдек MATLAB дастурининг SIMULINK пакетини қўллаш орқали стабилизаторларни моделлаш намуналари кўриб чиқилган. Ушбу занжир учун мос келадиган математик моделни яратиш муҳим илмий ва техник аҳамиятга эга, боиси унинг асосида индуктив элементлар орасида магнит боғланишларга эга бўлмаган ферромагнит табиатли исталган параметрик стабилизаторларнинг математик моделини ҳосил қилиш мумкин. Магнит боғланишларга эга бўлмаган умумлашган ферромагнит занжир схемаси 9- расмда кўрсатилган.



9 -расм. Магнит боғланишларга эга бўлмаган умумлашган ферромагнит занжир

Занжирнинг электр ҳолати электр катталикларнинг оний қийматлари учун Кирхгофнинг биринчи ва иккинчи қонунлари бўйича тузилган қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланиши мумкин:

$$u = u_1 + u_2 + \dots + u_n \quad (3)$$

$$i = i_{C1} + i_{g1} + i_1 \quad (4)$$

$$i = i_{C2} + i_{g2} + i_2 \quad (5)$$

$$\dots \dots \dots$$

$$i = i_{Cn} + i_{gn} + i_n \quad (6)$$

НИ₁-НИ_n ўзақларини $H = kB^9$ ифодаси орқали магнитланиш эгри чизиғи аппроксимациясидан фойдаланилганда, шунингдек электромагнит индукцияси қонунига асосланган маълум нисбатларни ҳисобга олган ҳолда занжир элементларидаги тоқларнинг оний қийматлари қуйидаги ифодалардан топилади:

$$i_1 = \frac{k_1 l_1 b_1^9}{w_1}; i_2 = \frac{k_2 l_2 b_2^9}{w_2} \dots \dots \dots i_n = \frac{k_n l_n b_n^9}{w_n}; i_{C1} = w_1 C_1 s_1 \frac{d^2 b_1}{dt^2}; i_{C2} = w_2 C_2 s_2 \frac{d^2 b_2}{dt^2}$$

$$i_{Cn} = w_n C_n s_n \frac{d^2 b_n}{dt^2}; i_{g1} = w_1 g_1 s_1 \frac{db_1}{dt}; i_{g2} = w_2 g_2 s_2 \frac{db_2}{dt} \dots \dots i_{gn} = w_n g_n s_n \frac{db_n}{dt} \quad (7)$$

Ушбу ифодалар ўзгартирилгандан сўнг қуйидаги тенгламалар олинди:

$$w_1 C_1 s_1 \frac{d^2 b_1}{dt^2} + w_1 g_1 s_1 \frac{db_1}{dt} + \frac{k_1 l_1 b_1^9}{w_1} = w_2 C_2 s_2 \frac{d^2 b_2}{dt^2} + w_2 g_2 s_2 \frac{db_2}{dt} + \frac{k_2 l_2 b_2^9}{w_2}, \quad (8)$$

$$w_2 C_2 s_2 \frac{d^2 b_2}{dt^2} + w_2 g_2 s_2 \frac{db_2}{dt} + \frac{k_2 l_2 b_2^9}{w_2} = w_3 C_3 s_3 \frac{d^2 b_3}{dt^2} + w_3 g_3 s_3 \frac{db_3}{dt} + \frac{k_3 l_3 b_3^9}{w_3}, \quad (9)$$

$$w_{n-1} C_{n-1} s_{n-1} \frac{d^2 b_{n-1}}{dt^2} + w_{n-1} g_{n-1} s_{n-1} \frac{db_{n-1}}{dt} + \frac{k_{n-1} l_{n-1} b_{n-1}^9}{w_{n-1}} = w_n C_n s_n \frac{d^2 b_n}{dt^2} + w_n g_n s_n \frac{db_n}{dt} + \frac{k_n l_n b_n^9}{w_n} \quad (10)$$

Сўнг $\alpha_1 = w_1 C_1 s_1 \omega^2$; $\beta_1 = w_1 g_1 s_1 \omega$; $\gamma_1 = \frac{0,5k_1 l_1}{w_1}$; $\alpha_2 = w_2 C_2 s_2 \omega^2$; $\beta_2 = w_2 g_2 s_2 \omega$;
 $\gamma_2 = \frac{0,5k_2 l_2}{w_2}$; $\alpha_n = w_n C_n s_n \omega^2$; $\beta_n = w_n g_n s_n \omega$; $\gamma_n = \frac{0,5k_n l_n}{w_n}$; $\tau = \omega t$ белгилашларни

киритган ҳолда индукциянинг оний қийматлари учун ечимларини $b_1 = B_{1m} \sin \omega t$; $b_2 = B_{2m} \sin(\omega t - \varphi_1)$; $b_n = B_{nm} \sin(\omega t - \varphi_n)$ кўринишга эга деб ҳисоблаб ҳамда олинган ифодаларни гармоник баланс усули бўйича ўзгартириб, биринчи гармоникадан юқори бўлган гармоникаларни ҳисобга олмаган ҳолда магнит индукциялар орасидаги боғланишлар учун қуйидаги ифодалар ҳосил қилинди:

$$\begin{cases} (\gamma_2 B_{2m}^9 - \alpha_2 B_{2m})^2 + (\beta_2 B_{2m})^2 = (\gamma_1 B_{1m}^9 - \alpha_1 B_{1m})^2 + (\beta_1 B_{1m})^2, \\ (\gamma_2 B_{2m}^9 - \alpha_2 B_{2m})^2 + (\beta_2 B_{2m})^2 = (\gamma_3 B_{3m}^9 - \alpha_3 B_{3m})^2 + (\beta_3 B_{3m})^2, \\ \dots\dots\dots \\ (\gamma_{n-1} B_{(n-1)m}^9 - \alpha_{n-1} B_{(n-1)m})^2 + (\beta_{n-1} B_{(n-1)m})^2 = (\gamma_n B_{nm}^9 - \alpha_n B_{nm})^2 + (\beta_n B_{nm})^2. \end{cases} \quad (11)$$

(11) тенгламалар системасини ечиш орқали ферромагнит элементлар орасида магнит боғланишларга эга бўлмаган умумлашган ферромагнит занжирнинг НИ₁-НИ_n индуктивликларидаги магнит индукциялари биринчи гармоникалари амплитудаларининг мумкин бўлган барча вариантларини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Ночизиқ элементлардаги магнит индукциялари амплитудалари ўртасида фазалар силжиши бурчагини, масалан, НИ_{n-1} ва НИ_n ни аниқлаш учун қуйидаги ифода олинди:

$$\varphi_n = \arctg\left(\frac{a_{n-1} d_n - d_{n-1} a_n}{d_{n-1} d_n + a_{n-1} a_n}\right) \quad (12)$$

$$\gamma_1 B_{1m}^9 - \alpha_1 B_{1m} = a_1; \gamma_2 B_{2m}^9 - \alpha_2 B_{2m} = a_2; \gamma_n B_{nm}^9 - \alpha_n B_{nm} = a_n, \beta_1 B_{1m} = d_1; \beta_2 B_{2m} = d_2; \beta_n B_{nm} = d_n.$$

Манба токи биринчи гармоникасининг амплитудаси ушбу занжирнинг исталган ФКК параметрлари орқали топилиши мумкинлиги аниқланди. Масалан, биринчи контур учун биринчи гармоника токининг қуйидаги ифодаси ҳосил қилинди:

$$i = I_m \sin(\omega t + \psi_i) = i_{c1} + i_{g1} + i_1 = \frac{k_1 l_1 b_1^9}{w_1} + w_1 g_1 s_1 \frac{db_1}{dt} + w_1 C_1 s_1 \frac{d^2 b_1}{dt^2}. \quad (13)$$

Дифференциаллаш ва гармоник функциялар даражасини биринчи даражали гармоникалар йиғиндиси билан алмаштириш операциялари бажарилгандан ҳамда асосий гармоника частотасига эга ҳадларни ҳисобга олиб, гармоник баланс усули бўйича ўзгартиришдан сўнг НИ1 даги магнит индукциянинг биринчи гармоникаси амплитудаси ва занжирнинг шохобчаланмаган қисмидаги ток амплитудаси

$I_m = \sqrt{(\gamma_1 B_{1m}^9 - \alpha_1 B_{1m})^2 + (\beta_1 B_{1m})^2}$ ўртасида боғлиқликни изоҳловчи ифода, шунингдек токнинг бошланғич фазаси $\psi_i = \arctg\left(\frac{\beta_1 B_{1m}}{-\alpha_1 B_{1m} + \gamma_1 B_{1m}^9}\right)$ ни ёки

ФКК_n (C_3, g_3, NI_n элементлари) параметрлари орқали умумий кўринишдаги $I_m = \sqrt{(\gamma_n B_{nm}^9 - \alpha_n B_{nm})^2 + (\beta_n B_{nm})^2}$ ва

$\psi_i = \arctg\left(\frac{\beta_n B_{nm} \cos \varphi_{n-1} - (\gamma_n B_{nm}^9 - \alpha_n B_{nm}) \sin \varphi_{n-1}}{(\gamma_n B_{nm}^9 - \alpha_n B_{nm}) \cos \varphi_{n-1} + \beta_n B_{3m} \sin \varphi_{n-1}}\right)$ ифодалар келтириб чиқарилди.

Электромагнит индукция қонунидан келиб чиқадиган маълум нисбатларни ҳисобга олиб, манба кучланишининг оний қиймати учун қуйидаги ифода аниқланди:

$$u = U_m \sin(\omega t + \psi_u) = u_1 + u_2 + \dots + u_{n_3} = w_1 s_1 \frac{db_1}{dt} + w_2 s_2 \frac{db_2}{dt} + \dots + w_n s_n \frac{db_n}{dt}. \quad (14)$$


НИ₁-НИ_n ночизик индуктивликлардаги магнит индукциялар амплитудаларидан олинган функция сифатида занжирга берилган кучланишнинг амплитудаси ва бошланғич фазаси учун мос равишда қуйидаги ифодалар олинди:

$$U_m = \sqrt{(\nu_2 B_{2m} \sin \varphi_1 + \nu_3 B_{3m} \sin \varphi_2 + \dots + \nu_n B_{nm} \sin \varphi_{n-1})^2 + (\nu_1 B_{1m} + \nu_2 B_{2m} \cos \varphi_1 + \nu_3 B_{3m} \cos \varphi_2 + \dots + \nu_n B_{nm} \cos \varphi_{n-1})^2}, \quad (15)$$

$$\psi_u = \arctg\left(\frac{\nu_1 B_{1m} + \nu_2 B_{2m} \cos \varphi_1 + \nu_3 B_{3m} \cos \varphi_2 + \dots + \nu_n B_{nm} \cos \varphi_{n-1}}{\nu_2 B_{2m} \sin \varphi_1 + \nu_3 B_{3m} \sin \varphi_2 + \dots + \nu_n B_{nm} \sin \varphi_{n-1}}\right), \quad (16)$$


бу ерда $\nu_1 = w_1 s_1 \omega$; $\nu_2 = w_2 s_2 \omega$; $\nu_n = w_n s_n \omega$; $\varphi = \psi_u - \psi_i$.

Мазкур бобда 10- расмда кўрсатилган 5 та топологик гуруҳларнинг ҳар бири учун ҳосил қилинган математик моделнинг тенгламаларини ўзгартириш йўллари кўриб чиқилган. Ҳисобий характеристикалар ва тажриба натижалари ўртасида етарли даражада яқинлик борлиги аниқланди.




10- расм. Элементлар ўртасида магнит боғланишларга эга бўлмаган параметрик стабилизаторларнинг топологик гуруҳлари


Магнит боғланишларга эга бўлмаган кўп контурли феррорезонанс занжирлар асосидаги параметрик таъминот манбаини қўллаш намунаси сифатида 11- расмдаги занжир хизмат қилади. Ушбу стабилизатор учун B_{1m} ва $B_{2m} = f(I_m)$ боғлиқликлар 12- расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турганидек, феррорезонанс сакрашлар иккала контурда ҳам рўй берганда, уларнинг шундай иш режими ўрнатиладики, бунда биринчи ФКК (ғалтак NI_1 ва конденсатор C_1) $a-a'$ участкада индуктив режимда, иккинчи ФКК (ғалтак NI_2 ва конденсатор C_2) эса $b-b'$ участкада сиғим режимда ишлайди.



11- расм. Ферромагнит элементлар орасида магнит боғланишларга эга бўлмаган стабилизатор схемаси



12- расм. B_{1m} ва $B_{2m} = f(I_m)$ боғлиқликлари



13- расм. Стабилизаторнинг ташқи характеристикаси


Бунда ушбу тавсифларнинг α_1 ва α_2 қиялик бурчаклари горизонталга нисбатан қиймат жиҳатдан тахминан бир хил, аммо ишораси билан фарқ қилади. 13- расмда стабилизаторнинг ташқи тавсифи, яъни U_{d1} ва U_{d2} контурларида тўғриланган кучланишлар, шунингдек юкламадаги қиймати U_{d1} ва U_{d2} лар йиғиндисига тенг бўлган U_d кучланишнинг манба кучланиши U га боғлиқликлари кўрсатилган. 13- расмдан кўриниб турганидек, 100 дан 340 В гача бўлган кириш кучланишининг (ёки B_{1m} ва B_{2m} индукцияларнинг 1,6–1,85 Тл) ўзгариш диапазонида стабилизатор

киришидаги $U_d = U_{d1} + U_{d2}$ ифода ёрдамида аниқланадиган кучланиш деярли ўзгармайди (максимал оғиш тахминан 1,5% ни ташкил этади). Ферромагнит элементлар орасида магнит боғланишларга эга бўлмаган параметрик стабилизатор хоссаларини батафсил ўрганиш учун MATLAB дастурининг SIMULINK пакетини қўллаган ҳолда унинг компьютер модели яратилди. Тебраниш контурининг бир қисми ҳисобланган нозичиқ ғалтак 14-расмда кўрсатилган схема ёрдамида моделлаштирилади.


Нимтизим ток $I = \frac{kl\psi^9}{W^{10}s^9} = \alpha\psi^9$ ва $\psi(p) = [u(p) - Ri(p)] / p$ кўринишдаги

узатиш функциясини бажариш имконини берадиган илашиш оқими ўртасидаги боғланишни моделлаштиради. Ушбу нимтизим асосида 11-расмда келтирилган стабилизатор схемаси моделлаштирилди (15-расм). 16 – расм, а,б,в ларда ИЭТМ моделининг ВАХ, ростловчи ва юкланиш характеристикалари келтирилган. Ушбу характеристикалардан кўриниб турганидек, яратилган модель манба кучланиши ва юкланиш токининг ўзгаришида занжирнинг кириш токи ва моделлаштирилган занжирнинг


чиқиш кучланишини мутадиллашнинг техник самарасини тасдиқлайди, бу эса унинг мутаносиблигини исботлайди.




14- расм. Стабилизатор ночизик ғалтагини моделлаш нимтизими




15-расм. Магнит алоқаларга эга бўлмаган стабилизаторнинг компьютер модели




16,а-расм. ИЭТМ ВАТ



16,б-расм. Ростлаш характеристикаси



16,в-расм. Юкланиш характеристикаси



17-расм. Магнит алоқали умумлашган феррорезонанс занжир

«Ферромагнит элементлар ўртасида магнит боғланишларга эга бўлган кўп контурли феррорезонанс занжирлар» номли тўртинчи бобда электромагнит компонентлар ўртасида магнит боғланишларга эга бир фазали умумлашган ферромагнит занжирнинг таҳлили ўтказилган, занжирлар конфигурацияси ўзгарганда олинган ифодаларни ўзгартириш усуллари, шунингдек магнит боғланишларга ва параметрик токли ҳимояга эга бўлган бир фазали ва уч фазали стабилизаторлар схемалари кўриб чиқилган ҳамда стабилизаторларни компьютерда моделлаш намуналари келтирилган.

Ферромагнит элементлар ўртасида магнит боғланишларга эга бўлган ферромагнит ва феррорезонанс табиатли мутадиллаш схемаларининг топологик таҳлили шуни кўрсатдики, улар тўлиқ ҳолатда учтадан ортиқ бўлмаган параллел ФККларни ўз ичига олади, ферромагнит элементлари эса учтадан кўп бўлмаган нозичиқ магнит боғланишлар билан боғланган. Бундай умумлашган занжир схемаси 17- расмда кўрсатилган.

Ушбу схемадан C, g ёки НИ элементларини олиб ташлаш, конфигурация ва нозичиқ магнит боғланишларни амалга ошириш усуллари ўзгартириш ҳамда ушбу боғланишларни чизикли боғланишларга алмаштириш орқали аввал кўриб чиқилган мутадилловчи занжирларнинг исталган турини олиш ёки янги занжирни синтезлаш мумкин. Мазкур занжир Кирхгоф қонунлари ва тўлиқ ток қонуни асосида тузилган электр ва магнит катталикларнинг оний қийматлари учун қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланган:

а) электр катталиклар учун:

$$\begin{cases} i = i_{C1} + i_{g1} + i_1 = i_{C2} + i_{g2} + i_2 = i_{C3} + i_{g3} + i_3, \\ u = u_1 + u_2 + u_3 = w_1 s_1 \frac{db_1}{dt} + w_2 s_2 \frac{db_2}{dt} + w_3 s_3 \frac{db_3}{dt}. \end{cases} \quad (17)$$

б) магнит катталиклар учун (магнит ўтказгич материалнинг магнитланиш эгри чизигини $H = kb^9$ ифодаси билан аппроксимация қилишни ҳисобга олган ҳолда):

$$\begin{cases} \varphi_1 + \varphi_2 - \varphi_3 = 0, \\ b_1 s_1 + b_2 s_2 - b_3 s_3 = 0, \\ i_1 w_1 + i_3 w_3 = k b_1^9 l_1 + k b_3^9 l_3, \\ i_2 w_2 + i_3 w_3 = k b_2^9 l_2 + k b_3^9 l_3. \end{cases} \quad (18)$$

Магнит ўтказгичнинг чап ва ўнг стерженларидаги индукция учун куйидаги ифода олинди:

$$(\gamma B_{2m}^9 - dF_{2m}^9 + AB_{2m})^2 + (B' B_{2m})^2 = (zB_{1m}^9 + dF_{1m}^9 - DB_{1m})^2 + (MB_{1m})^2. \quad (19)$$

бу ерда $\gamma = 0,5 \left(\frac{w_1 + w_3}{w_2} \right) k l_2$; $d = \frac{k l_3}{s_3}$; $\rho + \alpha = A$; $\beta - m = B'$; $\lambda + \chi = D$; $\xi + n = M$;

$$\alpha = (w_1 + w_3) w_2 C_2 s_2 \omega^2; \quad \beta = (w_1 + w_3) w_2 g_2 s_2 \omega; \quad m = w_3^2 g_3 s_2 \omega; \quad n = w_3^2 g_3 s_1 \omega;$$

$$\lambda = w_1^2 C_1 s_1 \omega^2; \quad \rho = w_3^2 C_3 s_2 \omega^2; \quad z = 0,5 k l_1; \quad d = \frac{k l_3}{s_3}; \quad \chi = w_3^2 C_3 s_1 \omega^2; \quad \rho = w_3^2 C_3 s_2 \omega^2.$$

(19) тенгламанинг тузилиши магнит боғланишларга эга бўлмаган умумлашган магнит занжир учун ўхшаш ифода билан умумийлиги кузатилади. Фарқи эса нозик магнит боғланишларнинг параметрлари ва хоссаларини аниқлайдиган F_{1m}^9 ва F_{2m}^9 нозик функцияларнинг мавжудлигида намоён бўлади.

B_{1m} ва B_{2m} магнит индукциялар амплитудалари ўртасида фазалар силжиши бурчагининг куйидаги ифодаси топилди:

$$\varphi_1 = \arctg \left(\frac{(B' B_{2m})(zB_{1m}^9 + dF_{1m}^9 - DB_{1m}) - (\gamma B_{2m}^9 - dF_{2m}^9 + AB_{2m})(MB_{1m})}{(\gamma B_{2m}^9 - dF_{2m}^9 + AB_{2m})(zB_{1m}^9 + dF_{1m}^9 - DB_{1m}) + (B' B_{2m})(MB_{1m})} \right). \quad (20)$$

Магнит ўтказгич ўрта стерженидаги магнит индукциянинг биринчи гармоникаси амплитудаси магнит ўтказгичнинг чет стерженларидаги магнит индукцияларининг оний қийматларини топишга хизмат қиладиган аввал олинган ечимларни ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Магнит ўтказгич ўрта стерженидаги индукциянинг $b_3 = B_{3m} \sin(\omega t + \varphi_3)$ кўринишдаги оний қиймати ечимини белгилаган ҳолда гармоник баланс усули бўйича ўзгартирилгандан сўнг магнит индукцияси ва токнинг бошланғич фазаси учун куйидаги ифодалар олинди:

$$B_{3m} = \sqrt{(\sigma_1 B_{1m} + \sigma_2 B_{2m} \cos \varphi_1)^2 + (\sigma_2 B_{2m} \sin \varphi_1)^2}. \quad (21)$$

$$\varphi_3 = \arctg \left(\frac{\sigma_2 B_{2m} \sin \varphi_1}{\sigma_1 B_{1m} + \sigma_2 B_{2m} \cos \varphi_1} \right). \quad (22)$$

Индукция B_{1m} ва таъминот токи I_{1m} амплитудаларини боғловчи ҳамда таъминот токнинг бошланғич фазаси учун куйидаги ифодалар олинди:

$$I_m = \sqrt{(\gamma_1 B_{1m}^9 - \alpha_1 B_{1m})^2 + (\delta_1 B_{1m})^2}, \quad (23)$$

$$\psi_i = \arctg \left(\frac{\delta_1 B_{1m}}{\gamma_1 B_{1m}^9 - \alpha_1 B_{1m}} \right), \quad (24)$$

бу ерда $\alpha_1 = w_1 C_1 s_1 \omega^2$; $\delta_1 = w_1 g_1 s_1 \omega$; $\gamma_1 = 0,5 \frac{k l_1}{w_1}$.

Таъминот кучланиши U_m ифодаси 17-расм бўйича занжир учун феррорезонанс контурларнинг ҳар биридаги кучланишнинг оний қийматлари учун тузилган Кирхгофнинг иккинчи қонуни бўйича топилди:

$$U_m \sin(\omega t + \psi_u) = u_1 + u_2 + u_3 = w_1 s_1 \frac{db_1}{dt} + w_2 s_2 \frac{db_2}{dt} + w_3 s_3 \frac{db_3}{dt}. \quad (25)$$

Кириш кучланиш амплитудасини магнит ўтказгич стерженларидаги магнит индукцияларнинг биринчи гармоникалари амплитудалари билан боғловчи ва кучланишнинг бошланғич фазаси учун ифодалар олинди:

$$U_m = \sqrt{(v_2 B_{2m} \sin \varphi_1 + v_3 B_{3m} \sin \varphi_3)^2 + (v_1 B_{1m} + v_2 B_{2m} \cos \varphi_1 + v_3 B_{3m} \cos \varphi_3)^2}, \quad (26)$$


$$\psi_u = \arctg\left(\frac{v_1 B_{1m} + v_2 B_{2m} \cos \varphi_1 + v_3 B_{3m} \cos \varphi_3}{v_2 B_{2m} \sin \varphi_1 + v_3 B_{3m} \sin \varphi_3}\right). \quad (27)$$

Олинган амплитуда-фаза муносабатларидан фойдаланган ҳолда исталган характеристикаларни, яъни исталган ФКК ёки ундаги исталган элемент ёки элементлар бирикмасининг ташқи вольт-ампер, ростловчи, юклама характеристикаларини олиш мумкин бўлади.


Мазкур бобда магнит боғланишларга эга стабилизаторлар 5 та топологик гуруҳининг ҳар бири учун олинган математик модел тенгламаларини ўзгартириш йўллари кўриб чиқилган, ҳисобий ва тажриба натижалари қониқарли даражада бир-бирига яқинлиги кўрсатилган.

